

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАСАНОВ ШАРОБИДИН АЗАМОВИЧ

**АДАБИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРДА АНАЛИТИК
ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**
(Олий филологик таълим мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек адабиёти)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2020

УДК 370.1+167.2

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Ҳасанов Шаробидин Азамович

Адабий таълим жараёнида талабаларда аналитик тафаккурни ривожлантириш
технологиясини такомиллаштириш (олий филологик таълим мисолида)..... 3

Ҳасанов Шаробидин Азамович

Совершенствование технологии развития аналитического мышления у студентов в
процессе обучения литературе (на примере высшего филологического образования)..... 25

Khasanov Sharobidin Azamovich

Improvement of analytic thinking development technology in students in a process
of literary learning (on the example of high philological education)..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАСАНОВ ШАРОБИДИН АЗАМОВИЧ

**АДАБИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРДА АНАЛИТИК
ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**
(Олий филологик таълим мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек адабиёти)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирларлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Ped 122 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.namdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Йўлдошев Қозоқбой

педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Улуқов Носиржон Муҳаммадалиевич
филология фанлари доктори, профессор

Хусанбоева Қундузхон Парпалиевна,
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (998) 69-227-01-44; факс: (998) 69-227-01-44; e-mail: info@namdu.uz).

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (998) 69-227-01-44.

Диссертация автореферати 2020 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “___” _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Т.Файзуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

Ш.К.Хўжамбердиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, педагогика фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Т.Эгамбердиева

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ахборотларнинг глобаллашуви шароитида ўсиб келаётган ёш авлоднинг турли бузгунчи ғоялар таъсирига тушиб қолаётгани, бу ҳолат уларнинг ижтимоий фаоллашувига салбий таъсир кўрсатаётгани жиддий муаммо сифатида эътироф этилмоқда. Ҳар қандай муаммонинг, аввало, мустақил фикрлаш, танқидий таҳлил юритиш орқали ҳал этилаётган жараёнда аналитик тафаккурнинг зарурати ва аҳамияти ойдинлашади. Зеро, аналитик тафаккур юритишда фикрлаш суръатининг тезлиги, масалага турли томондан ёндашиш қамровининг кенглиги, муаммога энг мувофиқ ва самарали ечим топишнинг аниқлиги каби жиҳатларини алоҳида қайд этиш лозим.

Дунёда инновацион ёндашувлар асосида талабаларнинг танқидий фикрлаш лаёқатини мустаҳкамлаш, интеллектуал салоҳиятини ошириш, маънавий-мафкуравий иммунитетини кучайтириш, ахборотлар билан ишлаш малакасини қарор топтиришга доир олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар кўлами тобора ортиб бормоқда. Айниқса, етук малакали мутахассислар тайёрлашни халқаро тенденцияларга мувофиқлаштиришда талабаларнинг аналитик тафаккурини такомиллаштириш масаласи устуворлик касб этмоқда. Хусусан, филологик таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабаларнинг аналитик тафаккурини такомиллаштириш уларда касбий компетенцияларни шакллантиришнинг интеллектуал асоси, бадий асарлардаги эксплицит ва имплицит маъно қатламларини кашф этишга ўргатишнинг эрудицион омили эканлиги билан характерланади.

Мамлакатимиз олий таълим тизимида талабаларнинг аналитик тафаккур қобилиятини такомиллаштиришга, шунингдек, аналитик тафаккурни ривожлантиришнинг методик тизимини модернизациялашга алоҳида эҳтиёж сезилмоқда. Жумладан, филолог талабаларнинг бадий асарга тўғри ёндаша олмаслиги, баёнчиликка берилиши, сюжетни қайта ҳикоялашни таҳлил деб билиши, бадий сўзнинг туйғуларга таъсирини тўла англамаслиги, бадий асардан ҳаётий хулосалар ясашда тор фикр юритиши, касбий компетентлигининг заифлиги ва бошқа шу каби таълимий муаммолар аналитик тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш борасида етарлича илмий-амалий ҳамда методик ишлар олиб борилмаётганидан далолат беради. “Ҳаракатлар стратегияси”да “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш...”¹ каби вазифаларнинг қатъий белгилаб берилганлиги адабий таълим жараёнида талабаларда аналитик тафаккурни ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш заруратини янада оширади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони // Халқ сўзи. 2017, 8 февраль, № 28.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон Қарорлари, “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус” ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инсоният цивилизациясида тафаккур ва унинг сирларини ўрганиш турли соҳа вакиллари (файласуф, психолог, педагог олимлар)нинг доимий диққат марказида бўлиб келган. Қ.Ахмедов, Т.Бобоев, С.Долимов, А.Зуннунов, Қ.Йўлдошев, Н.Каримов, В.М.Каримова, Р.Келдиёров, В.Қодиров, О.Мадаев, С.Матчонов, М.Мирқосимова, Р.Ниёзметова, З.Т.Нишонова, Н.С.Сафаев, Р.И.Суннатова, Р.Н.Тожибоева, Б.Тўхлиев, Ҳ.Убайдуллаев, А.Фитрат, Э.Ғозиев, Б.Ходжаев, Н.Ҳотамов, Қ.Ҳусанбоева, Ж.Эсонов, Э.Юсупов, С.Яминова каби республикамиз олимларининг илмий-адабий асарларида, илмий-тадқиқот ишларида, дарслик ва ўқув қўлланмаларида аналитик фалсафанинг мазмун-моҳияти, шахс феноменологияси масалалари, таълим-тарбия жараёнида ёш авлод тафаккурини ривожлантиришнинг концептуал, методик асослари ёритиб берилган.

Ю.В.Курносков, П.Ю.Конотопов, Л.С.Выготский, А.Н.Леонтьев, А.М.Матюшкин, С.Л.Рубинштейн, К.М.Романов, Ж.Г.Гаранина, Ж.Туленов О.В.Игракова, В.А.Егоров, Н.А.Катайцева, М.П.Целикова, С.В.Никоненко, А.В.Евтушенко, И.М.Войтик, С.В.Пигузова, Т.Е.Маскаева, С.И.Гильманшина, Д.В.Иванов каби МДҲ олимлари аналитик фалсафа, ўқувчилар, талабалар ва мутахассисларда аналитик тафаккурни ривожлантиришга доир илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Х.Глока, Т.Завидски, Е.Лойе, Д.Мак-Ши, Д.Руста, Е.Рэка, М.Тая, С.Шумейкер, Ян Фан, А.Валш, В.Хутмахер, Ж.Хурлей Патрик, Д.Папинеау, М.Салмон, Вольтер Синнот-Армстронг, Роберт Ж.Фогелин каби хорижлик олимларнинг тадқиқотларида мантикий, танқидий фикрлаш ва

аргументларни исботлаш методикаси масалалари баён этилган. Юқорида қайд этилган олимлар ва мутахассисларнинг асарлари, тадқиқот ишлари ва нашрларида билдирилган фикрлар ушбу диссертация ишини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этди. Бироқ адабий таълим жараёнида талабаларда аналитик тафаккурни ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш илмий тадқиқот объекти сифатида махсус ўрганилмагани жихатидан мазкур диссертация иши долзарбдир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университетининг ОТ-Ф1-17 рақамли “Маънавий бегоналашувнинг олдини олишда шахс фаоллигини оширишни ижтимоий-педагогик тадқиқ этиш”(2017-2021й) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади адабий таълим жараёнида талабаларда аналитик тафаккурни ривожлантириш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

аналитик фалсафа, аналитик тафаккур, аналитик ўқишнинг назарий, ташкилий, педагогик-психологик, бадиий-эстетик асосларини ёритиш;

аналитик тафаккур воситасида талабаларда бадиий таҳлил компетенциясини ривожлантириш самарадорлигини аниқлаш;

аналитик тафаккур асосида талабаларда касбий компетентлиликни шакллантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш;

адабий таълим жараёнида талабаларда аналитик тафаккурни такомиллаштиришга қаратилган методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида филолог талабаларнинг аналитик тафаккурини шакллантириш жараёни олиниб, тажриба-синов ишларида Андижон, Фарғона, Наманган давлат университетлари ва Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 186 нафар респондент-талабаси иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети адабий таълим жараёнида талабаларда аналитик тафаккурни ривожлантириш технологиясини такомиллаштиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга ошириш ва илмий-педагогик хулосаларга келишда назарий-манتيқий таҳлил, таққослаш, умумлаштириш, таҳлиллаш, педагогик тажриба ўтказиш, кузатиш, суҳбат, сўров, математик-статистик таҳлил сингари илмий-тадқиқот методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор адабий таълим жараёнида филолог талабаларнинг касбий компетенцияларини аналитик тафаккур асосида такомиллаштиришнинг зарурати ва аҳамияти исботланган;

талабаларнинг бадиий асарни таҳлил қилиш компетенцияси бадиий асар таҳлиliga аналитик ёндашув, интеллектуал фаолият турлари (рефлексив, эмпатик, эстетик, эмоционал) ҳамда интерпретация ва антиципация,

рационал ва иррационал, метафорик ва символик фикрлаш усулларининг тизимли структур жихатига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

аналитик ўқиш талабаларда тадқиқотчилик, кашфиётчилик лаёқатини шакллантиришнинг эрудуцион омили, бадий асарлардаги эксплицит ва имплицит маъно қатламларини кашф этишга ўргатишнинг интеллектуал асоси ҳамда маънавий-мафкуравий иммунитетни кучайтиришнинг маърифий воситаси эканлиги исботланган;

талабаларни аналитик фаолиятга тайёрлашнинг амалий компонентлари аналитик тафаккурнинг мотивацион-қадриятга йўналтирилган, рефлексив-баҳоловчи, когнитив компонентларини шакллантириш ва коррекциялаш, ментал карта асосида соҳага доир педагогик муаммолар ва уларнинг ечимини визуаллаштириш, герменевтик ва муаммоли таълим методларини аналитик тафаккур негизида самарали қўллаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

адабий таълим жараёнида талабаларнинг касбий лаёқатини аналитик тафаккур воситасида ривожлантириш методлари аниқлаштирилган;

аналитик тафаккур воситасида талабаларнинг маънавий ва мафкуравий эрудициясини ривожлантириш омиллари аниқлаштирилган;

бадий асарларни аналитик таҳлил этиш алгоритми ва талабаларда аналитик тафаккурни ривожлантиришнинг технологик босқичлари аниқлаштирилган;

бадий асар таҳлиliga аналитик ёндашув асосида талабаларнинг аналитик-синтетик фаолияти тузилмаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқ этилаётган муаммога илмий-педагогик ёндашув, тадқиқот мақсади, предмети ҳамда педагогик вазифалар моҳиятига мувофиқ тадқиқот методларининг танланганлиги, тажриба-синов ишларига жалб этилган талабалар сонининг талаб даражасида эканлиги, тажриба-синов ишларининг статистик маълумотларга таянилганлиги ва математик-статистик жихатдан қайта ишланганлиги, олинган натижаларнинг аниқ методлар ёрдамида текширилганлиги, тўпланган материалларнинг диссертация мазмунини ёритишга имкон берадиган ҳажмда эканлиги, диссертация мазмунининг илмий журналларда чоп этилган мақолалар ҳамда илмий анжуманлардаги маърузалари орқали оммалаштирилганлиги ва маъқулланганлигида ўз аксини топган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ушбу тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аналитик тафаккур тушунчасига таъриф берилиб, унинг бошқа тафаккур турларидан фарқи кўрсатилганида; адабий таълим жараёнида талабаларни аналитик фикрлашга ўргатишнинг педагогик-психологик хусусиятлари аниқланганида; талабаларнинг бадий асарни таҳлил қилиш компетенцияси бадий асар таҳлиliga аналитик ёндашув, интеллектуал фаолият турлари (рефлексив, эмпатик, эстетик, эмоционал) ҳамда интерпретация ва антиципация, рационал ва иррационал, метафорик ва символик фикрлаш усулларининг тизимли структур жихатига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилганда; аналитик ўқиш

талабаларда тадқиқотчилик, кашфиётчилик лаёқатини шакллантиришнинг эрудуцион омили ва бадий асарлардаги эксплицит ҳамда имплицит маъно қатламларини кашф этишга ўргатишнинг интеллектуал воситаси эканлиги исботланганида кўринади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти талабаларни аналитик фаолиятга тайёрлашнинг амалий компонентлари аналитик тафаккурнинг мотивацион-қадриятга йўналтирилган, рефлексив-баҳоловчи, когнитив компонентларини шакллантириш ва коррекциялаш, ментал карта асосида соҳага доир педагогик муаммолар ва уларнинг ечимини визуаллаштириш, герменевтик ва муаммоли таълим методларини аналитик тафаккур негизида самарали қўллаш асосида такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация иши илмий натижалари:

адабий таълим жараёнида филолог талабаларда касбий компетенцияларни аналитик тафаккур асосида такомиллаштиришга доир тақлиф ва тавсиялардан ҳамда аналитик ўқиш талабаларда тадқиқотчилик, кашфиётчилик лаёқатини шакллантиришнинг эрудуцион омили, бадий асарлардаги эксплицит ҳамда имплицит маъно қатламларини кашф этишга ўргатишнинг интеллектуал асоси ҳамда маънавий-мафкуравий иммунитетни кучайтиришнинг маърифий воситаси эканлигига доир амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитасининг таълим ва тарбияга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитасининг 2019 йил 30 октябрдаги № 107-сонли далолатномаси). Натижада кўмитанинг ёшлар сиёсати борасида олиб борилаётган ишлари самарадорлигини оширишга эришилган;

талабаларнинг бадий асарни таҳлил қилиш компетенцияси бадий асар таҳлиliga аналитик ёндашув, интеллектуал фаолият турлари (рефлексив, эмпатик, эстетик, эмоционал) ҳамда интерпретация ва антиципация, рационал ва иррационал, метафорик ва символик фикрлаш усулларининг тизимли структур жихатига устуворлик бериш асосида такомиллаштиришга доир амалий тавсиялардан ОТ-Ф1-17 рақамли “Маънавий бегоналашувнинг олдини олишда шахс фаоллигини оширишни ижтимоий-педагогик тадқиқ этиш” номли фундаментал лойиҳа доирасида талабаларда маънавий таҳдидлардан ўз-ўзини ҳимоя қилишга доир аналитик кўникма ва малакаларни шакллантириш тизимини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 9 октябрдаги № 89-03-3809-сонли маълумотномаси). Натижада талабаларни маънавий бегоналашувдан асраш, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтириш самарадорлигини оширишга эришилган;

талабаларни аналитик фаолиятга тайёрлашнинг амалий компонентлари аналитик тафаккурнинг мотивацион-қадриятга йўналтирилган, рефлексив-баҳоловчи, когнитив компонентларини шакллантириш ва коррекциялаш, ментал карта асосида соҳага доир педагогик муаммолар ва уларнинг ечимини

визуаллаштириш, герменевтик ва муаммоли таълим методларини аналитик тафаккур негизида самарали кўллаш асосида такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан А-1-41 рақамли “Касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш ўқув-ишлаб чиқариш тизимида миллий анъанавий базани ва ушбу йўналишда таълим бериш жараёнининг амалий-услубий асосларини яратиш” номли амалий лойиҳада “устоз-шогирд” ҳамкорлиги натижаларини таҳлил этишнинг инновацион усуллари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 9 октябрдаги № 89-03-3809-сонли маълумотномаси). Натижада ўзбек тили ва адабиёти мутахассислиги профессор-ўқитувчиларининг талабаларни аналитик фаолиятга тайёрлаш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 боб, 6 параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлардан иборат бўлиб, асосий матн 150 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Олий адабий таълим жараёнида талабаларда аналитик тафаккурни ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида аналитик тафаккур ва олий адабий таълим жараёнида талабалар аналитик тафаккурини шакллантириш педагогик муаммо, шунингдек, олий адабий таълимни модернизациялашнинг ҳал қилувчи компоненти эканлиги баён этилган.

Маълумки, тафаккур – олам ва унинг ҳодисаларини англаш воситаси. Тафаккур муаммоли вазиятда, муайян ҳолат ёки предмет ҳақида билиш зарурати пайдо бўлганда фаоллашади. Муаммо, савол, ажабланиш, тушунмаслик каби ҳолатлар тафаккурни воқеликка айлантиради. Илму

фаннинг ривожланиши натижасида тафаккур деб аталмиш рухий-интеллектуал ҳодиса ҳам бир таркибли эмаслиги маълум бўляпти. Чунончи, фикрлаш мустақил фикрлашдан, аналитик тафаккур эса тафаккурнинг барча бошқа кўринишларидан фарқ қилиши илмий асосланиб борилмоқда.

Тафаккур кўринишлари орасида шахс эрудицияси ва интеллектини ошириш борасида самарадорлиги билан алоҳида ажралиб турувчи тури аналитик тафаккур ҳисобланади. Чунки аналитик тафаккур ўрганилаётган объектга турли тарафдан ёндашиш, унинг ички ва ташқи алоқаларини комплекс ҳолда текшириш ва тўхтамга келишни тақозо этади. Аналитик тафаккур юритишда фикрлаш суръатининг тезлиги, масалага турли томонда ёндаша билиш, қамровдорлик, муаммога энг мувофиқ ва самарали ечим топиш сингари жиҳатлар устуворлик қилади. Қадим замонлардан бундай тафаккур эгалари алоҳида кадрланганлар. Бундай фикрлай оладиган шахслар антик Юнонистонда аналитиклар деб номланганлар. Шундан бери фикрлашнинг ўзига хос мураккаб тури аналитика номи билан юритиб келинади.

Аналитик тафаккур – таҳлилий фикр юритиш санъати, бирор муаммо, масала, ахборот, воқеа-ҳодисани ўрганиш жараёнида у ҳақда атрофлича, аниқ, теран, чуқур, мазмундор, мустаҳкам тўхтамга келиш қобилияти. Аналитик тафаккур эгаси таҳлил қилинаётган объектни ҳар томонлама синчиклаб ўрганади: мураккаб ахборотларни қисмларга ажратади, ҳар бир сўз, жумла, деталь, нарса устида жиддий фикр юритади, қисмларни ўзаро мантикий боғлайди, мақбул хулосага келади ва керакли қарорлар қабул қилади. Аналитик қобилият эгаси ҳар қандай ҳодиса устида фикр юритганда нарса-ҳодисанинг ташқи маъносини уқиш билангина чекланмай, унинг ички – ботиний маъно қатламларини ҳам аниқлашга уринади. Натижада таҳлил этилаётган объект юзасидан атрофлича тушунча юзага келади. Аналитик тафаккур муаммо ёки масаланинг осон ва тез, тўғри ва аниқ ҳал этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижалари асосида аналитик тафаккур тушунчаси белгиларини қуйидагича изоҳлаш мумкин бўлади: аналитик тафаккур фикрлашнинг мантиқ билан қатъий боғланган, предметни аниқ, тўғри, объектив, ҳар томонлама таҳлил этишга қаратилган ақлий фаолият туридир; аналитик тафаккур – ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳалари бўйича таҳлил қилиш, муносабат билдириш, ўтмишни англаш, бугунни идрок этиш, келажакни башорат қилиш, таракқиётнинг истиқболли йўллариини белгилаш имконини берадиган сермахсул фикрлаш йўсини; аналитик тафаккур инсонни инновацион ғояларни илгари суриш, янги технологияларни яратиш, амалиётга татбиқ этишга ундайдиган яратувчан фикрлаш тарзидир; таълим тизимида талабаларда аналитик тафаккур қобилиятини ривожлантириш – бу мустақил фикрлайдиган, ҳар қандай муаммога тезлик билан оқилона ечим топа биладиган, фикрий қарамликдан йироқ баркамол авлод тарбиялаш имконини беради. Аналитик тафаккур кишига одам ва оламни идрок этиш қувватини берадиган, унинг фикрлаш механизминини рационал ҳаракатга келтирадиган ақл генераторидир.

Филологлар учун энг муҳими бадиий матн юзасидан таҳлилий фикр айта билишдир. Бадиий матн юзасидан бундай фикрлаш механизмини ўзлаштириш саккиз босқичли интеллектуал-ташкилий жараён ҳисобланади: адабий ахборотни идрок этиш, унинг моҳияти ва мазмун-мундарижасидаги асосий жиҳатларни илғаш; бадиий матнни хаёлан бўлақларга ажратиб, ҳар бир бўлақнинг асар таркиби ва бадииятини таъминлашдаги ўрнини белгилаш; асарга танқидий ёндашиш, ундаги қайси жиҳатлар матн уйғунлигини яратишда номуҳимлигини аниқлаш; асар қисмларини ўзаро зарурат ва сабаб-оқибат боғланишлари нуқтаи назаридан бир-бирига солиштириш; бадиий асар тўғрисидаги ахборотларни бойитиш, яъни уни ўзлаштирилган филологик билимларга, ҳаётда кўрган-билганларга таяниб, реал борлиқ ва ўқилган бошқа асарлар билан солиштириш; бадиий асарнинг моҳиятини акс эттирадиган муҳим жиҳатларни тасвир учун унчалик муҳим бўлмаган томонлардан фарқлаш; матннинг миллий ва дунё адабиётидаги ўрнини белгилашга уриниш; юқоридаги босқичларда амалга оширилган интеллектуал-эстетик операцияларга таянган ҳолда бадиий асар юзасидан илмий асосланган хулосалар чиқариш.

Юқорида тавсия этилган технологиянинг самарадорлик даражаси Андижон давлат университети филология факультети 4-курс талабалари билан “Бадиий таҳлил асослари” фани микёсида синовдан ўтказилди. Талабаларда бадиий асарни таҳлил қилишнинг назарий асосларини шакллантиришга йўналтирилган ушбу фанни ўқитиш бўлажак филологларда аналитик тафаккур ва башорат қилиш кўникмаларини чуқурлаштиради. Бу жараёнда қуйидаги ҳолатлар ҳисобга олинди:

1. Талабалар бу даврга келиб, бўлажак касбларига тегишли назарий билимларни, жумладан, бадиий асарга аналитик ёндашиш йўллари борасида муайян амалий кўникмаларни эгаллаган.


2. Ушбу курсни ўзлаштириш асносида талабалар эгаллаган билим ва кўникмалар уларга илмий ва бадиий асарларни маълум даражада анализ ва синтез қилиш имконини беради.

3. Талабаларни аналитик фаолиятга йўналтиришнинг муҳим шарти уларда билишга бўлган эҳтиёжни кучайтириш, фикр юритишга кучли мотивация ҳосил қилиш зарур.

Адабий-назарий фанлар, фалсафа ҳамда мантиқ бўйича билимга эгалик талабаларга бадиий асар юзасидан анализ ва синтез амалларини бир вақтнинг ўзида бажариш имкониятини беради. Бундай интегратив алоқадорлик боис “Бадиий таҳлил асослари” курсидан ташқари, “Ўзбек фольклори”, “Ҳозирги адабий жараён”, “Адабиётшунослик назарияси”, “Болалар адабиёти”, “Нутқ маданияти ва мутолаа санъати”, “Навоийшунослик”, “Жаҳон адабиёти”, “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси”, “Бадиий матннинг лисоний таҳлили”, “Туркий халқлар адабиёти”, “Тарихийлик ва бадиий маҳорат”, “Замонавий ўзбек адабиёти ва адабий жараён”, “Ўзбек мифологияси” каби филологик фанлар мазмунини ўзлаштиришда ҳам аналитик ёндашувни қўллаш самара келтирди.

Диссертациянинг “Олий адабий таълим жараёнида талабалар аналитик тафаккурини ривожлантиришнинг амалий-технологик тизими” деб номланган иккинчи бобида аналитик ўқиш филолог талабаларда аналитик тафаккурни ривожлантириш омили эканлиги ҳамда талабаларда аналитик тафаккурни такомиллаштиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва методикаси ёритиб берилган.

Адабий таълим жараёнида аналитик фаолиятни ривожлантириш асосида талаба ўзининг қобилиятини баҳолаш, ютуқларини таҳлил этиш, шунингдек, фанга доир компетентлилик даражасини оширишга таъсир кўрсатадиган таълим натижаларини прогнозлаш имкониятига эга бўлади. Адабий таълим жараёнида талабаларни аналитик фаолиятга тайёрлашнинг амалий компонентлари ўзида қуйидагиларни акс эттиради: қадриятли-мотивацион, рефлексив-баҳоловчи, фаолиятга доир ва когнитив (1-расмга қаранг).



1-расм. Бадиий таҳлилга доир компетенциялар тизими

Уларнинг изоҳи:

қадриятли-мотивацион компонент талабаларда бадиий асар таҳлиliga мақсадли киришиш, вазифаларни аниқ белгилай олиш, адабий материалдан самарали фойдалана олиш каби лаёқатларни шакллантиришни назарда тутади;

рефлексив-баҳоловчи компонент талабаларда ҳиссий-эстетик, эмоционал-интеллект, баҳолаш-аксиологик қобилиятни ривожлантиришни назарда тутади;

фаолиятга йўналтирилган компонент “бир бутунликдан иборат асарнинг унсур ва қисмлари ҳамда буларнинг ўзаро муносабатларига доир қонуниятларни топиш, бадиий бутунликни ўзича илмий англаш мазмуни ва

бадий ўзига хослиги тўғрисидаги илк тасаввур матний ва мантикий асослар билан исботлаш, оддий таассуротдан илмий концепция даражасига кўтариш, натижаларини тизимли йўсинда умумлаштириш” лаёқатларини шакллантиришни назарда тутати;

КОГНИТИВ КОМПОНЕНТ бадий асарни “кашф” этиш, бадий, ҳаётий, илмий, фалсафий хулосалар яшаш, тафаккурий юксалиш, амалий кўникмалар хосил қилиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутати.

Маълумки, инсондаги бошқа интеллектуал сифатлар сингари аналитик тафаккур ҳам ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. У тизимли амалга оширилган ақлий тадбирлар туфайли юзага чиқади. Олий адабий таълимда аналитик тафаккурнинг аналитик ўқишдан бошланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шунинг учун ҳам олий адабий таълимда талабаларга таҳлилий ўқишни ўргатиш диққат марказидаги дидактик тадбир саналиши керак.

Аналитик ўқишнинг муҳим таълимий вазифаси талабаларда филологлар коммуникатив ва таҳлилий компетентлигининг муҳим белгиси бўлмиш бадий асар қатламларида мавжуд ҳар қандай ахборот турини топиб, таҳлил қила билиш кўникмасини шакллантиришдан иборатдир. Ҳар бир компетенция таркибида уни билиш ва қўллай олиш кўникмаси ҳам мавжуд бўлади.

Аналитик ўқиш жараёнида талабаларда нафақат таҳлил, балки талқин (интерпретацион) компетенцияси ҳам шакллантирилиши керак. Талқин компетенцияси талабадаги фанлараро ва олдиндан шаклланган билимларни, бадий тасвир воситалари ҳақидаги тушунчани, турли этнослар руҳиятига доир тушунчаларга эга эканликни ўз ичига олади. Бу билимлардан ташқари, интерпретацион компетенция талабадан асардаги кўриниб турган ва яширин мазмун талқини, маҳаллий колоритнинг тасвирдаги ўрни, матннинг мазмун ҳамда йўналишига баҳо бериш, асардаги воқеа ва персонажлар тасвирига муносабат билдириш, асарнинг бадий ҳамда ахлоқий қимматини белгилаш, асарнинг миллий ва жаҳон адабиётидаги ўрнини тайин қилиш кўникмасига эгалликни ҳам талаб қилади.

Аналитик ўқиш талабага оригинал бадий асар билан ишлашда матнда акс этган ахборотни имкон борича тўла ва аниқ тушуниш ҳамда унга танқидий ёндашишда намоён бўладиган аналитик тафаккур қилишни ўргатишга қаратилган бўлади. Асарни аналитик ўқиш талабаларда коммуникатив компетенцияни шакллантирибгина қолмай, уни такомиллаштиради ва уларда мавжуд бўлган барча назарий билимларни фаоллаштиради.

Мутахассис одамларда аналитик тафаккур юритиш қобилиятини қуйидаги заковатни ўстирувчи машғулотлар билан мунтазам шуғулланиш орқали қарор топтириш мумкинлигини таъкидлайди: детектив, фантазия, фалсафий китоблар мутолааси; мантикий жумбоқларни ечиш; кроссворд, сканворд, ребус каби бошқотирмалар устида ишлаш; шахмат ўйини билан шуғулланиш; кундалик ахборотларни, воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиб бориш; ҳар куни янги бир нарсани билиб олишга интилиш; турли интеллектуал баҳс-мунозараларда қатнашиш; атроф-олам ҳақида тафаккур

юрйтиш; фикрлаш харитасини яратиш; фикр ва хулосаларни ёзиб бориш; фикр-хулосаларнинг муқобил вариантларини яратиш; муаммоли вазиятларни моделлаштириш ва ҳал этиш.

Бу каби қизиқарли машғулотларни филологик таълим йўналиши фанлари мазмунига сингдириш ижобий натижа беради. Бунда фанлараро алоқадорлик, ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Талабаларнинг аналитик тафаккурини такомиллаштиришга интегратив ёндашилмас экан, кутилган натижага эришиш мушкул бўлиб қолаверади.

Талабаларни аналитик ўқиш ва аналитик тафаккурга ўргатишни замонавий интерфаол усуллардан фойдаланиш билан уйғунлаштириш керак. Кейинги вақтда ушбу атама тор ва кенг маъноларда қўлланила бошлади. Тор маънода компьютер дастурлари асосида фойдаланувчилар билан диалог ҳолатида ишлаш кўзда тутиладиган технологиялар тушунилади. Кенг маънода тушуниладиган интерфаол усуллар таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш мақсадида ўқитувчи, бир ва бир неча кичик гуруҳлар аъзоларининг ўзаро фикр алмашишларига эришиш кўзда тутиб ташкил этилган махсус ўқитиш технологиясини англатади. Яъни бундай ёндашувда ўқиладиган бадиий асар борича қабул қилиниши эмас, балки талаба ёзувчининг шеригига айланиб, ундаги тасвири ўзича “ривожлантириб, давом эттириши” кўзда тутилади.

Ўқувчи ва талабаларда аналитик тафаккур лаёқатини шакллантиришда ўқитувчи амалда кенг қўлланиб келинадиган “Блиц-сўров”, “SWOT-таҳлил”, “Мунозара”, “ФСМУ”, “Интеллектуал дуэль”, “Фикрлар баҳси” каби интерфаол методлардан; “Фикрий ҳужум”, “Бумеранг”, “Зинама-зина” каби интерфаол стратегиялардан; “Б-Б-Б”, “Концептуал жадвал”, “Венн диаграммаси”, “Инсерт”, “Кластер” каби график ташкилотчилар (органайзерлар) – умумпедагогик интерфаол таълим методларидан ўз ўрнида маҳорат билан фойдаланиши ижобий самара беради.

“SWOT-таҳлил” методи талабани мустақил фикр юритишга ундаши, тафаккур юритишга эҳтиёж, мотивация уйғота олиши билан характерланади. Айниқса, тимсолли таҳлилда образларни ўзаро таққослашда “SWOT”нинг дидактик имконияти яққол кўринади. Алишер Навоийнинг “Хамса” дostonлари қаҳрамонлари Фарҳод ва Мажнун; Фарҳод ва Шеруя; Лайли ва Ширин; Абдулла Қодирий романлари қаҳрамонлари Отабек ва Анвар; Кумуш ва Раъно; Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи қаҳрамони Зеби тимсоли билан А.Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романи қаҳрамони Раъно ва шу каби бошқа тимсолларининг ўзаро қиёсий таҳлилида ёки бир образ доирасида таҳлилий фикр юритишда “SWOT”дан фойдаланишнинг педагогик аҳамияти каттадир. Бу жараёнда талабаларда синчковлик, зийраклик, фаҳмлилик, фарқлай олиш, очиб бериш каби аналитик тафаккур сифатлари шаклланади. Талабалар тимсолларнинг “кучли”, “заиф”, “имконият”, “тўсиқ”, “таҳдид” томонларини аналитик тафаккур воситасида аниқлайдилар, ўзаро баҳс-мунозара қиладилар; фикрий тортишувлар уларнинг билиш даражасини юксалтириб, тимсоллар таҳлилига холис, беғараз, адолатли ёндашиш кўникмасини пайдо қилади.

“ФСМУ” технологияси талабаларда ўрганилаётган асар, юзага келган муаммо, ечимини кутаётган масала, истиқболдаги ишларни режалаштириш ва бошқа шу каби объектлар юзасидан аналитик тафаккур юритишида жуда яхши самара беради.

Масалан, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи юзасидан бериладиган куйидаги муаммоли саволларга “ФСМУ” технологияси асосида ёндашилганда талабаларнинг креативлиги юксалади, яъни талаба асарни шунчаки идрок этмайди, балки унга ижодий ёндашиб, уни мантикий “ривожлантиради”: Сиз асарнинг шундай тугашини кутганмидингиз? Сизнингча, романни бошқача қандай тугатиш мумкин эди (асар мазмуни ривожини башорат қилиш, ўзгартириш); Зебининг тақдири бошқача бўлиши мумкинмиди? Кичик гуруҳингиз аъзолари билан бунинг йўлини муҳокама қилинг (нуқтаи назарларни солиштириш); Зебининг тақдирида Акбаралининг қолган уч хотини қандай ўрин тутади? (ахборотни йиғиш, саралаш ва талқин қилиш); Қандай ижтимоий шароит Зеби тақдирини шу тарзда ҳал бўлишига олиб келди деб ўйлайсиз (қиёслаш, хулоса чиқариш).

Талабалар бу каби саволларга жавобан:

Ф – ўз фикрини баён этади;

С – бундай фикрга келишининг сабабини изоҳлайди;

М – ўз фикрини исботлаш, далиллаш учун мисоллар келтиради;

У – фикрларини умумлаштириб аналитик хулосалар ясайди.

Талабаларда аналитик тафаккур қобилиятини иншо, эссе, воситасида шакллантиришнинг ҳам педагогик, ҳам психологик имконияти юқоридир. Бошдан-оёқ фикрлаш асосига қурилган иншо, эссе талабани таҳлилий фикрлашга ундайди. Яхши ёзилган иншо, эссе, талабанинг маънавий-маърифий юксалаётгани, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамланаётгани, ўз қарашига эга бўлиб етишаётганидан далолат беради.

Интерфаол усуллардан яна бири ролли ўқишдир. Аналитик ўқишнинг бу турини Абдулла Қаҳҳор, Шукур Холмирзаев, Омон Мухтор сингари ёзувчиларнинг кичикроқ ҳажмдаги насрий асарлари билан танишиш пайтида қўллаш ўринли бўлади. Бунда талабалар асардаги сўзлар, яъни ҳарфий белгиларни аудиал ходисага айлантириш билангина чекланиб қолмайди. Асарни ўқиш тугаши билан талабалар ўзи ижро этган персонаж тасвирида ёзувчи эришган ютуқ ва йўл қўйган камчиликлар ҳамда уларнинг сабаблари тўғрисида аналитик тафаккур юритадилар.

Ролли ўйинлар ҳам талабалар интерактив фаолиятининг бир кўринишидир. Бунда муайян ҳаётий вазиятда талабалар ўзларига берилган роллар табиатига мувофиқ фикр юритишлари керак бўлади. Улар ўзгаларнинг қарашларига муносабат билдиришлари, ўз фикрларини ёқлаб, бошқаларга қарши чиқишлари ёки ўзгача ёндашувлар билан келишишлари мумкин. Бундай ролли ўйинлар бирор асар ўқиб тугатилгандан кейин талабаларнинг эркин фикр юритиш даражаларини аниқлаш мақсадида ташкил этилиши мумкин.

Моделлаштирилган вазият, муаммо, масала талабада аналитик тафаккур қилишга эҳтиёж уйғотади. Олий адабий таълим жараёнида муаммоларни

қуйидагича моделлаштириш орқали талабаларнинг аналитик тафаккурини шакллантириш, ривожлантириш мумкин бўлади. Моделлаштирилган муаммо намунаси:

Моделлаштирилган 1-муаммо. Сиз олий ўқув юртини муваффақиятли тамомлаб, мактабда ўқитувчилик фаолиятингизни бошладингиз. Аммо сизнинг ишга қабул қилинганингиз айрим ўқитувчиларнинг дарс юкламалари озайишига, бунинг натижасида уларнинг ойлик маошлари камайишига сабаб бўлди. Бу эса жамоа орасида сизга нисбатан норози кайфиятнинг туғилишига, муносабатларнинг бошданок ёмонлашувига олиб келди. Дарсларни қанчалик сифатли, самарали ўтишга ҳаракат қилманг вазият ижобий томонга ўзгармади. Мактаб директориغا учраб, ишдан бўшаш учун ариза ёзишга аҳд қилдингиз.

Муҳокама учун савол ва топшириқлар:

Ўқитувчилик фаолиятингизнинг бундай тарзда бошланишига қандай қарайсиз?

Ўқитувчиларнинг сизга нисбатан совуққон бўлишини қандай баҳолайсиз? Нима деб ўйлайсиз, мактаб директори аризангизга имзо чекиб, сизни ишдан бўшатиб юборадими?

Юзага келган муаммони ҳал этиш йўллари ҳақида тафаккур юритинг, энг оқилона ечимни аниқланг.

Ўйлаб кўринг-чи, ўқитувчи қандай йўл тутса, ҳақиқий обрў-эътиборга, ҳурматга сазовор бўлади?

Ментал-интеллектуал карталар асосида аналитик тафаккурни ривожлантириш. Интеллектуал, ментал хариталар – бу фикрлашнинг визуаллашган кўринишидир. Ақлий хариталардан ўз фаолиятини таҳлил этишда, китоб ёки матн таркибини ўрганиш, тушуниш ва эслаб қолишда, янги мавзунини тушуниш, муаммоларни таҳлил этиш ва қарор қабул қилишда, катта ҳажмдаги маълумотларни ўрганиш ва тақдимот ўтказиш каби жараёнларда фойдаланиш юқори самара келтиради

Филолог талабанинг аналитик тафаккур қобилиятини шакллантириш, ривожлантиришнинг интеллектуал йўлларида яна бири – бу ўз касбий фаолиятини **ташхис** қила билишидир. Филолог талаба ташхислаш жараёнида ўз касбий фаолиятининг мазмун-моҳиятини, мақсад-вазифасини, жамият ҳаётида тутган ўрнини, заруратини аналитик тафаккур қилади, адабий жараёндаги муаммолар, уларнинг сабаб-оқибатларига аналитик “ташхис кўяди”, оқилона ечим йўллари белгилайди.

Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган талабаларни аналитик фаолиятга тайёрлаш модели тўрт босқичдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири бўлажак филологларда аналитик тафаккур пайдо қилиш, уни ўстириш ва мунтазам такомиллаштириб боришнинг муайян бир қиррасини акс эттиради (2-расмга қаранг).



2-расм. Талабаларни аналитик фаолиятга тайёрлаш модели

Талабаларни аналитик фаолиятга тайёрлаш моделининг таркиби билан биргаликда унинг бажарилиш босқичларини уйғунлаштириш ҳам жуда муҳимдир. Бу босқичларда талаба шахсининг ривожда муайян ҳолатлар ўзгариши юз беради, шахс таракқиётининг уч даражаси кўзга ташланади.

Биринчи босқич – бошланғич даража, ҳали талабаларнинг аналитик фаолиятга тайёрлик даражаси паст бўлганда, асосий эътибор уларнинг ҳиссий-шахслик хусусиятлари даражасини кўтаришга қаратилади. Талабаларни аналитик фаолиятга қизиқтириш, бу фаолиятнинг аҳамиятини тушунтириш ва уни амалга оширишга ярайдиган билимларни эгаллашга йўналтириш диққат марказида бўлади. Бу босқичда талабаларда аналитик фаолият эҳтиёжини кўзғаш муҳим саналади.

Иккинчи босқичда талабаларда аналитик фаолиятга эҳтиёж кўзғатилган (актуаллашган), аммо хабардорлик, билим даражаси етарли бўлмаслиги ҳисобга олинади. Шу боис таълим ва назорат (иккинчи ва тўртинчи босқич) моделнинг асосий унсурлари ҳисобланади.


Учинчи босқич. Талабаларнинг хабардорлик ва онглилик даражаси ортгандан кейин урғу мавжуд назарий билимларни амалиётга татбиқ этишга қаратилади. Яъни модел ижросининг учинчи босқичида асосий тадбир олинган билим ва шакллантирилган кўникмаларни мустақил аналитик фаолият амалиётига қўллашдан иборат бўлади.

Диссертациянинг “**Адабий таълим жараёнида талабаларда аналитик тафаккурни ривожлантириш самарадорлиги**” деб номланган учинчи бобида талабаларда аналитик тафаккурни ривожлантиришга доир тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари ёритиб берилган.

Асословчи тажриба-синов ишларига Андижон давлат университети, Фарғона давлат университети, Наманган давлат университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўзбек филологияси, ўзбек тили ва адабиёти йўналиши 186 нафар респондент-талабаси жалб этилди.

Адабий таълим жараёнига технологик ёндашув билан боғлиқ назарияларни чуқур таҳлил этиш асосида мазкур ҳодисага тегишли қуйидаги муҳим жиҳатлар аниқлаштирилди: тушунчага берилган таърифлар ўзининг асосий моҳият тавсифига кўра бир-бирига мос келади ва қарама-қарши ҳолат мавжуд эмас; барча таърифлар асосида технологияни мақсадга эришишни таъминловчи фаолиятлар тизими тарзида талқин этиш хато эмас; технологик жараён реал амалиёт билан уйғун, амалга оширилаётган жараённи тўлиқ изоҳлаб беради.

Мазкур жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқот доирасида талабаларда аналитик тафаккурни ривожлантириш технологияси ишлаб чиқилди (3-расмга қаранг).



3-расм. Адабий таълим жараёнида талабаларда аналитик тафаккурни ривожлантириш технологияси

Тажриба-синов ишларининг мазмуни Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Олий таълимнинг давлат таълим стандарти 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек филологияси) бакалавриат таълим йўналишининг давлат таълим стандарти талаблари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек филологияси) бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари ҳамда соҳага доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар билан мувофиқлаштирилди.

Тажриба-синов ишлари давомида талабаларнинг аналитик тафаккур юзасидан ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалари даражасини шартли равишда “юқори даража” – “5”, “яхши даража” – “4”, “ўрта даража” – “3”, “қуйи даража” – “2” асосида баҳолаш мезонлари ва уларга мос сифат кўрсаткичлари ишлаб чиқилди.

